



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING FARMOYISHI

20 21 yil « 15 » iyul

№ 401-F

Toshkent sh.

Сирдарё вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва хизматлар соҳасини қисқа муддатларда ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. 2018–2020 йилларда Сирдарё вилоятида кичик бизнес субъектлари сонини ошириш, тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шу орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида “Ёшлар келажагимиз”, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурлари доирасида **785,6** млрд сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши орқали **7 454** та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши натижасида **60 513** та янги иш ўринлари яратилганлиги ҳамда мазкур амалий ишлар 2021 йилда ҳам давом эттириляётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Сирдарё вилоятида яратилаётган имкониятлар ва ажратилаётган кредитлар доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга ва бошқа фуқароларга доимий маслаҳатлар бериш, уларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал қилиб бориш мақсадида Гулистон шаҳрида “Тадбиркорлар ва ҳунармандлар маркази” биносини (кейинги ўринларда – объект) қуриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилансинки, Гулистон шаҳрида 2021 йил июль ойида қурилиши бошланадиган объектни қуриш ва жиҳозлаш ишларига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан – **10 млрд сўм маблағ, қолган қисми эса** – Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **бир ҳафта** муддатда объектда қурилиш ишларини бошлаш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан – **10 млрд сўм** ажратиб берилишини таъминласин.

4. Объектда қурилиш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш бўйича Сирдарё вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачи этиб белгилансин.

Бунда, Сирдарё вилояти ҳокимлигига бош лойиҳа ташкилоти ва бош пудрат ташкилотини, истисно тариқасида, энг яхши таклифлар асосида тўғридан-тўғри шартнома тузган ҳолда жалб қилишга рұхсат берилсин.

5. Объект қурилиб, фойдаланишга топширилганидан сўнг ушбу объектнинг Сирдарё вилояти ҳокимлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилиши ҳамда унга Савдо-саноат палатасининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги объектни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ҳамда қуриш ва жиҳозлаш ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

7. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Ғ. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов